



Ислом Нури

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким масжидга борса ёки масжиддан қайтса, Аллоҳ таоло ҳар борганида ёки қайтганида унга жаннатда зиёфат ҳозирлаб қўяди», дедилар.

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким масжидга борса ёки масжиддан қайтса, Аллоҳ таоло ҳар борганида ёки қайтганида унга жаннатда зиёфат ҳозирлаб қўяди», дедилар.

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким масжидга борса ёки масжиддан қайтса, Аллоҳ таоло ҳар борганида ёки қайтганида унга жаннатда зиёфат ҳозирлаб қўяди», дедилар.

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким масжидга борса ёки масжиддан қайтса, Аллоҳ таоло ҳар борганида ёки қайтганида унга жаннатда зиёфат ҳозирлаб қўяди», дедилар.



Ислом Нури

Биронтангиз (масжидда) намозни кутиб ўтирар экан, намозда тургандай бўлади», дедилар.

Биронтангиз (масжидда) намозни кутиб ўтирар экан, намозда тургандай бўлади», дедилар.

Имом Бухорий ва имом Муслим Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоху анхудан ривоят қилишган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Одамларнинг намозда энг ажри улуғроғи - намозга узоқроқдан юриб келадиганларидир», дедилар.

Шарҳ:

Масжидга бориш – улуғ ибодатлардан бирига етказадиган васила-воситадир. Аллоҳ таоло ўзининг кенг раҳмати ва фазли билан бандасининг қилган тоат-ибодатига ажр берганидек, шу тоат муқаддимасида бўлган василаларга ҳам ажр беради. Масжидларга бориш ва масжидда намозни кутиб ўтириш мана шу василалардандир. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бу амалга ғоят улуғ ажрларни ваъда қилганлар, бу ажрлардан фақатгина ялқов ва ғофилларгина бенасиб қолади.

Ҳадисдаги «Одамларнинг намозда энг ажри улуғроғи - намозга узоқроқдан юриб келадиганларидир» нинг маъноси: бир масжид қавмининг энг узоқда яшайдиган кишиси яқинроқдагилардан ажри улуғдир, дегани. Бу маънога бошқа ҳадислар далолат қилади. Анас ибн Молик ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам масжидуннабийга яқинроқ кўчиб келмоқчи бўлган Бани



Салимага «Босган қадамларингизга савоб умид қилмайсизларми?», деганлар. (Бухорий ривояти). Юқоридаги маънодан келиб чиқиб маҳалла масжидини қўйиб узоқлардаги масжидларга савоб умидида бориш тўғри эмас.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Масжидларга боришнинг фазли улуғ.
2. Масжиддаги жамоат намозларининг ажри кўп.
3. Масжидга узоқдан келадиган одамнинг ажри, яқиндан келадиган одамнинг ажридан ортиқроқ.
4. Банда, агар ажр умидида амал қилса, ибодатларнинг муқаддима ва воситаларига ҳам ажр олади.